



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2021 yil “03” 08

№ 187

Toshkent sh.

Республика ихтисослаштирилган гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт марказини Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасасиларига кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 27 май 2021 йилдаги ПҚ-5130-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва қурилишни ташкиллаштириш бошқармаси (Бўриев), Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Исламов) билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига кўчирилишини таъминласин.

2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш бошқармаси (Хайдаров), Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Исламов) билан биргаликда 2021 йил 25 августга қадар:

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг тиббий асбоб-ускуналарини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълумот киритилишини таъминласин;

хатлов натижасида аниқланган республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази учун зарурият бўлмаган тиббий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш бўйича таклиф киритсин.

4. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Исламов) марказнинг Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 42^А уй манзилида жойлашган собиқ бино ва иншоотларини бошқа бир муассасага берилгунига қадар хавфсизлиги таъминласин.

5. Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Максудов) Ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини мувофиқолаштириш бошқармаси (Артиков):

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига кўчиши билан боғлиқ харажатларига ҳисоб китобларга кўра маблағ ажратиш;

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга кўчгандан сўнг, беморларга вақтинчалик озиқ-овқат ташиш хизматини йўлга қўйиш ҳамда белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;


Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг тузилмаси ва уставини, харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвали меъёрини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш чораларини кўрсин.

6. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Исламов) марказ зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини юқори профессионал даражада таъминлаш мақсадида марказнинг 2021 йилнинг 1 октябр санасига қадар малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

7. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини янги биноларга кўчириб ўтказиш учун бир ойлик тайёргарлик даври белгиланганлигини инобатга олиниб беморларни қабул қилиш 2021 йил 1 сентябрдан этиб белгилансин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини вазир ўринбосари У.Сабилов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Хаджибаев

